

MYOGLOBINURIA-HORSE METABOLISM DISEASE

Bakirov B.

Professor, Samarkand State University of Veterinary Medicine,
Animal Husbandry and Biotechnology

Boboev O.R

Independent Researcher Samarkand State University of Veterinary Medicine,
Animal Husbandry and Biotechnology

Kurbanaliev Sh.M.

Master, Samarkand State University of Veterinary Medicine,
Animal Husbandry and Biotechnology

Fayzullaev Sh.A

Student Samarkand State University of Veterinary Medicine,
Animal Husbandry and Biotechnology

Summary

The article provides the latest scientific literature on the causes of myoglobinuria in horses and the development of the disease.

Keywords: Myoglobinuria, enzootic hemoglobinemia, paralytic hemoglobinuria, acidosis, toxemia

Кириш. Мамлакатимизда наслли ва спорт отлари сонини барқарор оширишни таъминлаш, ветеринария назоратини кучайтириш ва ветеринария хизматлари сифатини ошириш, ҳайвонларнинг соғлигини ҳимоя қилишни самарали ташкил этиш, эпизоотик осойишталик ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш, касалликларни эртаки аниқлаш, даволаш ва олдини олиш усувларини ишлаб чиқишига қаратилган илмий тадқиқотлар ветеринария фани ва амалиётидаги долзарб илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Отчиликини ривожлантиришда метаболизм касалликлари, шу жумладан, Миоглобинурия касаллиги катта тўсиқлардан бири ҳисобланади.

Дунё илмий адабиёти маълумотларининг кўрсатишича, миоглобинурия (паралитик миоглобинурия, Миоглобинурия паралитика) мускулларда сут кислотаси ва бошқа кислоталарнинг тўпланиб қолиши, мускуллар контрактурасининг ўзгариши, мускул толаларининг шишини, қаттиқлашиши, фалажи ва миоглобинурия билан ўтадиган ўткир кечувчи касаллик бўлиб, асосан юқори семизликдаги отлар касалланади.

Олар ортиқча озиқлантириш, узоқ муддат дам олдириш ва бир жойда сақлашдан кейин тўйсатдан зўриқтириш ёки тренинг оқибатида касалланади. Касаллик мускулларда ортиқча даражада гликогеннинг тўпланиб қолиши билан биргалиқда ривожланади. Зўриқиши пайтида мускуллар гликогенни энергитик материал сифатида ишлатади ва кўп микдорда сут кислотаси, глюкоза ва бошқа маҳсулотлар ҳосил бўлади.

Жисмоний зўриқишдан сўнг қисқа вақт ўтгач отлар терлай бошлайди, мускулларнинг қалтираши, ҳаракатнинг зўриқиши, орқа оёқларнинг бўшашиши кузатилади. Касалликнинг ривожланиши кўкрак ва бел мускулларининг таранглашиши ва қотиши билан кечади. Касаллик бошланишида тана ҳарорати меъёр чегарасида, интоксикасиянинг кучайиши ва асоратларнинг пайдо бўлиши билан 39 0С ва ундан юқори бўлиши мумкун. Пульс частотаси 1 дақиқада 80-100 марта ва ундан юқори булиб юрак тонлари сусайган, бўғиқлашган, иштаҳа сақланган, чанқоқ кучайган, тезаклаш қийинлашган бўлади. Шиллик пардалар шишган, кўкарған ва бироз сарғайган. Кўкрак, бел, тос ва баъзан олдинги оёқлар, чайнаш мускуллари кўкимтири ёки оқарган ва бироз сарғимтири рангда бўлади. Касалликнинг оғир, ўрта ва енгил кечиши фарқланади. Мускуллардаги ўзига хос ўзгаришлар, орқа оёқлар фалажи, миоглобинурия кузатилиши ташхис қўйишда қийинчилик туғдирмайди. Отларда паралитик миоглобинурияни мускуллар ревматизми, қотма, умуртқа поғонаси шкастланишларидан фарқлаш лозим [1].

Кейинги дунёвий тадқиқотлардан маълум бўлишича, йил давомида отлардан фақат маълум даврларда интенсив фойдаланилади, қолган вақтларда эса, қоида тариқасида, эксплуатация қилинмайди. Касаллик кўпинча отлар тўғри жисмоний фаолликни олмаганлиги ва уларнинг озиқланиши мувозанатли парҳезга мос келмаслиги сабабли пайдо бўлади.

Отлардаги миоглобинурия адабиётларда қўйидаги “Байрам касаллиги”, “Энзоотик гемоглобинемия”, “Гемоглобинурия”, “Паралитик гемоглобинурия” ва бошқа номлар билан аталади.

Ҳайвонлар жинси, зоти, семизлиги ва ёшидан қатъий назар миоглобинурия билан касалланади. Касаллик йилнинг исталган вақтида намоён бўлади, аммо кўп ҳолларда қишиш-баҳор даврларида кузатилади.

Отлар миоглобинуриясининг этиологияси ва патогенезига келсак, бу кўрсаткичлар ҳалигача ҳам етарлича ўрганилган эмас. Бу ҳақда фақат турли хил назариялар ва тахминлар мавжуд. Касалликнинг моҳиятини мушакларда кўп миқдорда сут кислотаси ва бошқа кислотали маҳсулотларнинг тўпланиши ташкил этади ва бу ерда ацидоз натижасида мушак толалари дегенерацияга учрайди.

Касаллик пайтида меъда ости бези оролча аппаратининг гипофункцияси билан қонда глюкоза ва креатин миқдори ортиб боришини кўрсатади, бу эса фосфоген ва гликогеннинг тез парчаланишига олиб келади ва қайта синтез қилиш имконияти йўқолади [2, 4.].

Кондрахин И.П. ва бошқаларнинг таъкидлашларича, метаболик касалликлар туфайли тўқималар ва органларда кўп миқдорда кислотали маҳсулотлар (ацидоз, токсемия) тўпланади, бу эса маълум бир мушак гуруҳининг қаттиқлашишига, миофибрillалар ва миоглобиннинг парчаланишига олиб келади. Натижада мушакларда чуқур биокимёвий ўзгаришлар рўй беради, гликогенез, фосфогенез, аденилен фосфор кислотасининг синтези бузилади [4.].

Отларни бир томонлама ва тўғри озиқлантирилмаслик моддалар алмашинувида ўзгаришларга олиб келади, жигар, скелет мушаклари, миокард ва бошқа аъзоларда

чукур дегенератив ўзгаришларни келтириб чиқаради. Мускуллар қисқариш функциясини йўқотади, касал отлар мустақил равишда ҳаракат қилмайди [2, 1.].

Отлар зўриқиши пайтида энергетик материал сифатида фақат мускуллар гликогени ишлатилиди ва натижада кўп миқдорда сут кислотаси, глюкоза ва бошқа маҳсулотлар ҳосил бўлади. Мускул толаларининг қалинлашиши ва қаттиқлашиши улар орасидан ўтадиган қон капиллярларининг қисилиб қолишига ва натижада кислород танқислигига олиб келади. Мускул толалари дистрофияга учрайди ва аксарият ҳолларда уларнинг ўлими кузатилиди. Мускулларнинг емирилиш маҳсулотлари ҳамда гликогеннинг қонга сўрилиши оқибатида токсемия, кислота – ишқор мувозанатининг ацидоз томонга силжиши, марказий асад тизими функцияларининг бузилиши, юрак ва буйраклар дистрофияси, протеинурия, тахикардия ва бошқа патологик ўзгаришлар ривожланади [1, 5.].

Миоглобин (мускул хромопротеиди, мускул гемоглобини) нинг кучли ўзгаришлари, унинг мускуллар оқсили билан бекарор бирималар ҳосил қилиши, қонга ўтган миоглобиннинг буйракларда тутиб қолинмасдан, унинг сийдик билан ажралиши ва натижада сийдикнинг тўқ қизил ёки қизғиши жигар рангга кириши кузатилиди.

Айрим олимлар касаллик отларнинг узоқ дам олгандан кейин, меъёридан ортиқ озиқлантириш ва оғир жисмоний машқлар билан содир бўлишини таърифлайди. Бошқа муаллифлар эса миоглобинуриясининг этиологик омили сифатида агар отлар узоқ вақт давомида иссиқ отхоналарда, озиқлантириш кўпайиб, кейин нам, тоза ҳавога кирса, совуқнинг танага таъсириининг салбий оқибатларга олиб келишини таъкидлашган [4].

Отлар миоглобинуриясининг этиологиясида витаминалар (каротин, В, С, Е витаминалари), минераллар ва микроэлементларнинг (калций, натрий, кобалт, мис, йод) кескин етишмаслиги билан етарли даражада озиқланмаслик муҳим аҳамиятга эга, шунингдек, касалликнинг узоқ дам олишдан кейин отларнинг оғир меҳнати, нотўғри озиқлантириш оқибатида заҳарланиши, нотўғри совутиш оқибатида ҳам келиб чиқишини таъкидлашган [3].

Миоглобинопатияда миоглобин метаболизмининг бузилиши кузатилиди, чизиқли мушакларнинг шикастланиши, таъсиранган мушаклардан миоглобиннинг қонга чиқиши (миоглобинемия) ва сийдик билан танадан чиқиши характерлидир. Миоглобин метаболизмининг бузилиши натижасида мушаклардаги оксидланиш жараёнлари бузилади, уларда гипоксия ҳолати юзага келади ва миоглобин буйракларга механик ва токсик таъсир кўрсатади [6].

Қон зардобида калцийнинг камайиши, магний ва фосфор миқдорининг кўпайиши, захира ишқориyllигининг пасайиши ва кислота-ишқор мувозанатининг ацидоз томонга силжишини вужудга келтиради. Ацидоз ва мушакларда кислород етишмовчилиги оқибатида миоглобиннинг мушак оқсиллари билан мураккаб алоқаси бузилади, бу эса ўз навбатида қон оқимига кирадиган ва кейинчалик буйраклар томонидан чиқариладиган миоглобиннинг йўқолишига олиб келади.

Углевод алмашинуви билан бирга оқсил, ёғ ва сув-туз алмашинувининг бузилишлари ҳам кузатилиди. Скелет ва юрак мушаклари, жигар, буйрак, шунингдек, бошқа аъзолар

ва тўқималар дегенерацияси вужудга келади. Организм табиий қаршилигининг заифлашиши, айниқса, ичаклар ва жигарнинг баръер функцияларининг бузилиши билан боғлиқ ҳолда, ичаклардан токсинлар ва симбионт микроблар, шу жумладан септик жараённи келтириб чиқарадиган стрептококкларнинг кириб бориши учун қулай шароит яратади [1, 2.].

Жиддий юрак ва қон томирлар бузилишлари билан касалликнинг ўткир оғир шаклларида бир-неча соат ичида, кўпинча, яхши озиқланган ҳайвонларда, жисмоний фаоллик кучайгандан кейин ривожланади. Касал ҳайвонларда бефарқлик, тез чарчаш, титроқ, ҳаракатларнинг кескинлиги ва бекарорлиги, ҳайвоннинг ётиши ва ўрнидан туришда қийналиш ҳолатлари кузатилади. Касалликнинг энг асосий характерли хусусиятларидан бири скелет мушакларидағи ўзгаришлар ҳисобланади. Яъни бунда, мускуллар шиши, сиқилиши, қаттиқлашиши ва кейинчалик уларнинг юмшаси ҳисобланади [5].

Касалликнинг дастлабки босқичида юрак-қон томир касалликлари ва шу жумладан, юрак чегараларининг катталлашиши кузатилади. Пулс ритмик, тезлашган, катта тўлқинли, бир дақиқада 50-70 дан, 80-90 мартагача ва ундан кўп уриши кузатилади. Шиллиқ пардалар қуруқлашган, иссиқ ва гиперемияга учраган бўлади. Атония ривожланади, кўр ва йўғон ичаклар перисталтикаси заифлашади, тўғри ичак парези ва баъзан санчиғи, дефекациянинг қийинлашиши, сийдик рангининг ўзгариши ва сийик чиқаришнинг қийинлашиши кузатилади. Касаллик кўпинча ўпка гангренаси, миокардит, нефрит ва гипостатик пневмония билан мураккаблашади. Сепсис ёки юрак фалажидан ҳайвон нобуд бўлади [7].

Юқорида таъкидлаб ўтилган адабиёт маълумотлари ва хulosалардан келиб чиқсан ҳолда отларнинг ёши, физиологик ҳолати, йил фасллари, озиқлантириш ҳамда сақлашдаги технологик жараёнлар кесимида пайдо бўладиган ўзгаришларни мунтазам кузатиб бориш амалга оширилиши зарур бўлган режамизнинг асосий таркибий қисмини ташкил этади.

Хулоса

1. Ўзбекистоннинг ўзига хос табиий иқлим шароитларидағи отларнинг асосий метаболизм касаллиги ҳисобланган миоглобинуриянинг асосий сабаблари, етарлича ўрганилмаган, унинг эртаки ташҳис усуслари, даволаш ҳамда олдини олиш чоратадбирлари ишлаб чиқилмаган.

Адабиётлар:

- Norboyev Q.N., Bakirov B.B., Eshbo‘riyev B.M. Hayvonlarning ichki yuqumsiz kasalliklari. Darslik. Samarqand, SamDU tahririy-nashriyot bo‘limi, 2020.
- Практикум по внутренним болезням животных / Под общ.ред.Г. Г. Нербакова, А. В. Яшина, А. П. Курдеко, К. Х. Мурзагулова:Учебник. — СПб.: Издательство «Лан», 2016.
- Козлов С.А., Парфенов В.А. Практикум по коневодству. – СПб.: Лань, 2007.

4. Кондрахин И.П., Курилов Н.В., Малахов А.Г. и др. Клиническая лабораторная диагностика в ветеринарии. – М.: Агропромиздат, 2004.
5. Лыжина В.А. Миоглобинурия лошадей: учеб. пособие / РИО ВГСХА. – Киров, 1995.
6. Стекльников А.А., Щербаков Г.Г., Андреев Г.М., Виль А.В. и др. Содержание, кормление и болезни лошадей. – СПб.: Лань, 2007.
7. Щербаков Г.Г., Коробов А.В, Анохин Б.М. и др. Внутренние болезни животных. – СПб.: Лань, 2002.